


“Андижон биокимё заводи” АЖ нинг
2016 йил 30 июндаги акциядорларнинг йиллик
умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
Кузатув кенгаши раиси:


А.К.Гаффоров

**“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг
“ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА”ги
НИЗОМИ**

Андижон шаҳри- 2016 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Andijon biokimyо zavodi” акциядорлик жамиятининг (кейинчалик матнда-Жамият) ички назорат тўғрисидаги мазкур низоми (кейинчалик матнда-Низом) қуйидагиларга асосан ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги, Жамият Низоми, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш буйича Хайъат йиғилишини 31.12.2015 йилдаги №9 сонли баённомаси билан тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодекси ва Жамиятни бошқа ички ҳужжатлари.

2. Мазкур низом ички назорат тизимини мақсад ва вазифаларини, Жамият ички назорат учун масъул ходимларни вазифаларини белгилаб беради.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДИ

2.1. Ички назорат-бу узлуксиз ҳаракат қилувчи жараён, Жамият фаолиятига боғланган бўлиб корпоратив бошқарув, назорат, хавфларни бошқариш жараёнларини самарадорлигини оширишга қаратилган, жамиятни қуйидаги соҳаларда асосли ва етарли даражада мақсадларига эришиш учун мўлжалланган:

- фаолиятни самарадорлиги, шу жумладан даромад олиш ва активларни ҳимоя қилиш даражаларини ўз ичига олади
- молиявий ҳисоботларни ишончлилиги ва ҳақиқийлиги
- Жамият фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва ҳуқуқ меъёрларига мос келиши

2.2. Ички назорат тизими- бу Жамиятни Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, Ижро органи ва барча даражалардаги бошқа ходимлар (кейинчалик- ички назорат субъектлари) томонидан ташкил этилган ва амалга ошириладиган ташкилий тузилмани, назорат чора тадбирларини, ички назорат жараёни ва усулларини жамланмаси ҳисобланади. АЖ нинг ички назорат органлари аъзоларининг малакаси уларни фаолияти ҳақидаги низомларда белгиланади.

2.3. Ички назорат жараёнлари- бу Жамиятни Тафтиш комиссияси, аудит бўйича кузатув кенгашини кўмитаси, Кузатув кенгаши, Ижро органи, шунингдек Жамиятни ички назоратни амалга оширувчи бошқа бўлимлари (кейинчалик- Жамият бўлимлари) томонидан амалга ошириладиган чора тадбирлар жамланмаси, булар Жамиятни молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда ички ҳужжатларни ва қонунчилик талабларини бузилган ҳолатларини аниқлашга қаратилган, шунингдек Жамиятни ўз мақсадларига эришиш самарадорлигига баҳо берилади, ички назорат жараёнларини амалга оширишда ички назорат субъектларини ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишига қаратилган.

2.4. Ички назоратни асосий мақсади бўлиб барча акциядорларни, шу жумладан миноритар акциядорларни ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳисобланади.

2.5. Ички назорат тезкорликда қуйидагиларни таъминлаши керак:

- активларни сақланиши, Жамият маблағларини тежамкорликда ва самарали ишлатиш
- Жамият ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш
- Жамиятни бизнес-режасини, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш режаларини бажариш

